



**СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЖОЙЛАШУВИДА
ҚИШЛОҚЛАРНИНГ ГЕОГРАФИК ЎРНИ**

Турсунов Нурулло Нарзуллаевич
*Термиз иқтисодиёт ва сервис университети
“Термиз” кафедраси доценти, тарих фанлари доктори*

Аннотация: Мақолада, аҳоли ва аҳоли манзилгоҳлари сони, унинг таркибий тузилиши ва тақсимланиши табиий, ижтимоий-иқтисодий, географик омиллар ҳамда худудни ўзлаштириш даражасидаги хусусиятларни ўзида акс эттиради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, аҳоли ўсиши, унинг жойлашишини қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари доирасида тадқиқ қилиш муҳим ҳисобланади. Қишлоқ жойларда саноат, аҳолига турли хил хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларидани биридир. Қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг ривожланиши агроиқтисодиёт тизимидағи бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини оширишга боғлиқ. Шу нұқтаи назардан Сурхондарёда пахтачилик, мевачилик ва узумчилик асосида агросаноат мажмуини ривожлантириб бориш яхши натижалар беради.

Калит сўзлар: минтақа, шаҳар, қишлоқ, манзилгоҳ, туарар жой, ҳудуд, тоғ, текислик, халқ.

**ГЕОГРАФИЧЕСКОЕ ПОЛОЖЕНИЕ СЕЛЕНИЙ В РАССЕЛЕНИИ
СУРХАНСКОГО ОАЗИСА**

Аннотация: В настоящей статье освещено сведения о населении расположения населенных пунктов, жилище населения, строение жилищ, также экономические, социальные и географические изменения, влиявшие на освоение региона следует отметить, что изучение рост населения, расположение населенных пунктов имеет важное экономическое и социальное значение. Расположение в сельских населённых пунктах промышленных объектов (заводов, фабрик) положительно влияет на занятость населения, что является одним из приоритетных задач на сегодня. Благоустройство сельских населённых пунктов сегодня на прямую связано с развитием агропромышленных комплексов, то есть рыночной экономики в сельской местности. Опыт показывает то развитие в Сурхандарьинской области агропромышленных комплексов, специализированные на хлопководство, выращивании фруктов и виноградарства, даёт очень хороших результатов, благодаря естественным

климатическим условиям, то есть хорошей плодородной почвы, вода обеспечения (множества рек, ручеек и водохранилищ) самое главное множество солнечного дня (солнечной радиации) в году.

Ключевые слова: Регион, город, село, местность, жилище, место, горы, равнина, народ.

GEOGRAPHICAL LOCATION OF VILLAGES IN THE LOCATION OF THE POPULATION OF SURKHAN OASIS

Annotation: This article highlights information about the population, the location of settlements, the housing of the population, the structure of dwellings, as well as the economic, social and geographical changes that influenced the development of the region, it should be noted that the study of population growth, the location of settlements has great economic and social importance. The location of industrial facilities (plants, factories) in rural settlements has a positive effect on the employment of the population, which is the priority tasks today. The improvement of rural settlements today is directly related to the development of agro-economic complexes, that is, a market economy in rural areas. Experience shows that the development of agro-industrial complexes in the Surkhandarya region, specialized in cotton growing, growing fruits and viticulture, gives very good results, thanks to natural climatic conditions, that is a lot of sunny days (solar radiation) per year.

Keywords: Region, city, village, terrain, dwelling, place, mountains, plain, people.

КИРИШ. Бугунги кунда қишлоқ жойларида хўжалик ва ижтимоий инфратузилмалар тизимини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Миллий иктисодиётни юксалтириш, қишлоқ жойларда иктисодий ислоҳотларни амалга ошириш шароитида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, маълум бир қатламдаги аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бунда айникса, хизмат кўрсатиш, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой ва бошқа соҳаларни аҳоли кундалик эҳтиёжи ва яшаш шароитини яхшилашга қаратилган ижтимоий инфратузилма тармоқларининг алоҳида ўрни бор[1].

Вилоят майдонининг асосий қисмини тоғ ва тоғ тизмалари эгаллади, қишлоқ хўжалигига яроқли майдонлар, унинг 30% ини ташкил этади[2]. Табиий географик жиҳатдан, сув манбаларига яқин бўлган ҳудудларда қишлоқ аҳолисининг жойлашганлигини кўриш мумкин. Булар: Ҳисор тоғ тизмалари, Боботоғ тизмасининг шарқий тарафи ва аҳоли зич тўпланган Сурхон-Шеробод водийсидаги текисликлардир[3].

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ аҳолисининг демографик ўсиш даражасининг юқорилиги, ўлимнинг нисбатан пастлиги аҳолининг юқори суръатда ўсишига хизмат қилмоқда. Қишлоқ аҳолисининг ўсиши асосан уч омил асосида ўзгариб боради:

аҳолининг табиий кўпайиши, миграция қолдиги ва маъмурий-худудий ўзгаришлар, яъни қишлоқларга шаҳар мақомини бериш ёки, аксинча, шаҳарларни қишлоқлар даражасига туширишдан иборат[4].

Мамлакатимизда қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг демографик салоҳиятининг ортиб боришида аҳолининг табиий кўпайиши бошқа омилларга нисбатан етакчи мавқеини эгаллайди. Республикада қишлоқ аҳолисининг ўсиши ва жойлашиши, аҳоли табиий кўпайишининг юқорилиги, урбанизация даражасининг пастлиги, қишлоқ аҳолисининг жами аҳоли таркибидаги салмоғини йилдан-йилга ошиб боришида ўз аксини топмоқда[5].

Аҳоли жамият тараққиётида ишлаб чиқарувчи куч ва асосий истеъмолчи сифатида намоён бўлади. Шу муносабат билан инсоният тарихи аҳоли билан боғлик бўлган муаммоларни ўрганишни тақоза этади. Демографик вазият мураккаб социал, иқтисодий, географик ва сиёсий жараён бўлиб, у мамлакат аҳолиси сонини ўсиши, унинг манбалари бўлмиш табиий кўпайиш, аҳоли миграцияси ва жойлашиши, урбанизацияси, аҳолининг миллий ва ижтимоий таркиби, оила таркиби, меҳнат ресурслари ва иш билан таъминланиш даражасини ўзида акс эттиради.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида янги демографик вазият вужудга келди. Бу демографик вазият сабиқ Совет Иттифоқ давридан бутунлай фарқ қилган. Демографик вазият, авваламбор, асосий демографик жараёнлар бўлмиш туғилиш, табиий кўпайиш, миграция ва урбанизацияда ўз аксини топади. Бу даврли ўсиш суръатининг пасайиши, туғилишнинг камайиши, урбанизация даражасининг пасайиши, аҳоли ўсиш суръатининг ва аҳоли мутлақ сони ўсишининг камайишида намоён бўлмоқда[6]. Ҳар бир ҳудуддаги демографик жараёнлар, ўз навбатида, кўп омиллар таъсирида содир бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ. 1990-2009 йиллар мобайнида Ўзбекистон аҳолиси мутлақ миқдори 7,7 миллион кишига кўпайди. 1939-2004 йиллар, яъни 65 йил мобайнида республика аҳолиси 4,0 марта кўпайган бўлса, бу кўрсаткич шаҳар жойларда 6,4 ва қишлоқларда 3,3 мартани ташкил этган. Жумладан, 1939-1959 йилларда жами аҳоли 127,9 фоизга, шаҳар аҳолиси-185,6 фоиз ва қишлоқ аҳолиси 108,5 фоизга ўсган.

1959-1970 йилларда республика жами аҳолиси 145,3 фоизга ўсган бўлса, шу даврда шаҳар аҳолиси 158,4 фоизга ва қишлоқ аҳолиси 141,3 фоизга ўсган; ўртача бир йиллик кўпайиш 4,25 фоиз ва 3,20 фоизни ташкил этган. Шу ўринда айтиш мумкинки, айнан ана шу йиллар Ўзбекистон ўзининг тарихий демографик ривожланишининг энг юқори кўрсаткичларига эга бўлган. 1979-1989 йиллар мобайнида Ўзбекистон аҳолиси 128,7 фоизга, шаҳар аҳолиси 126,7 ва қишлоқ аҳолиси 130,1 фоизга ўсган[7].

Кўриниб турибдики, бу даврдан бошлаб республика қишлоқ жойларининг демографик ривожланиши шаҳар ва шаҳарчаларга қараганда устунроқ бўлган: қишлоқ аҳолисининг ўртача йиллик кўпайиши 2,70 фоизга етган, шаҳар жойларда эса бу кўрсаткич 2,40 баробар бўлган. Урбанизация жараёнининг бундай заифлашуви таҳминан

XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмидан бошланган, чунки 1984 йилда шаҳар аҳолисининг улуши 42 фоизгача кўтарилиган ва шундан кейин аста-секин камайиб борган.

ТАҲЛИЛАР ВА НАТИЖАЛАР. Демографик вазиятга таъсир этувчи омиллардан бири аҳоли орасидаги ўсиш даражаси ҳисобланади. Аҳолининг ўсишига ўз навбатида оила муносабатлари ҳам таъсир этган. 1991 йилда Ўзбекистонда 12,9 минг никоҳ қайд қилинган бўлса, шу йили ажralишлар 1,6 мингни ташкил қилди. 2006 йилга келиб эса республикамизда 7,8 минг никоҳ қайд қилинганлиги кузатилса, 600 та ажralish бўлганлигини кўришимиз мумкин. 1997 йилда 8,9 минг никоҳга 1 та ажralish тўғри келган[8].

Демографик сиёsat деганда, ҳозирги давр ҳамда узоқ муддатли истиқбол учун аҳолининг такрор барпо бўлиши ва динамикаси соҳасида муайян бир сифат ва микдорга эришишни назарда тутувчи бирлашган воситалар ва фикрлар бирлигини давлат миқёсида қабул қилинган тизими тушунилади[9]. Демографик сиёsatни амалга ошириш-бу, биринчи навбатда, аҳоли саломатлигини яхшилаш, оилани қўллаб-қувватлаш, икkinchidan, республикада меҳнат ресурсларидан фойдаланишини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш, такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоялаш дастурларини қабул қилиш ва амалга оширишdir.

Кўпгина мамлакатларнинг XXI - асрда қишлоқ жойларини хўжалик ва ижтимоий инфратузилмалар тизимини ривожлантириши, аҳоли турмуши даражасини яхшилаши минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ аҳолисининг демографик ўсиш даражасининг юқорилиги, ўлимнинг нисбатан пастлиги аҳолининг юқори суръатда ўсишига хизмат қилмоқда. Аҳолининг ўсиши асосан уч омил асосида ўзгариб боради: аҳолининг табиий кўпайиши, миграция қолдиги ва маъмурий-худудий ўзгаришлар, яъни қишлоқларга шаҳар мақомини бериш ёки, аксинча, шаҳарларни қишлоқлар даражасига туширишдан иборат[10].

Қишлоқ-Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳудудий тузумидаги энг қуий бўғин, қишлоқнинг ижтимоий-иктисодий хусусияти аҳолининг ердан қай даражада фойдаланиши, жойнинг табиий-географик шарт-шароитлари билан узвийдир. Шу боис қишлоқлар тарихан катта-кичик бўлган. Туар жойлар ҳам шунга қараб жойлашган. Аҳоли жамият тараққиётида ишлаб чиқарувчи куч ва асосий истеъмолчи сифатида намоён бўлади. Шу муносабат билан инсоният тарихи аҳоли билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўрганишни тақоза этади.

Қишлоқ-кишиларнинг ижтимоий ва тарихий таркиб топган бирлигидир. Уларнинг вужудга келиши жамият тараққиёти ва ҳудудий меҳнат тақсимотидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади. Аммо шаҳарларда аҳоли сонининг ошиб бориши ва урбанизация, миграция муносабати билан Бойсун, Шеробод, Сариосиё, Денов, Кумқўргон, Жарқўргон туманларидағи баъзи қишлоқлар аҳолиси сонининг салмоғига таъсир кўрсатган. Масалан, XX асрнинг 20-йилларида Бойсун тумани ҳудудида 201 та, 1935-йилга келиб эса 165 та қишлоқ мавжуд бўлган. 2009-йилда эса 72 та қишлоқда аҳоли яшаган[11].

Вилоятимиздаги қишлоқларда кейинги йилларда аҳоли сонининг ортиб бориши, туғилишнинг нисбатан юқорилиги, оиласарнинг кўпчилиги қишлоқ шароитида яшаб келаётганлиги билан боғлиқ. Қадимий қишлоқлар аҳолининг мавсумий манзилгоҳларидан ташкил топган. Қишлоқларда дастлаб кишиларнинг қиши фаслида истиқомат қилган жойи сифатида вужудга келган. Одамлар аста-секин дехқончилик билан шуғулланниб, ўтроқлашиб борган. Айниқса, суғорма дехқончилик билан шуғулланган, қишлоқлар аҳолиси, эрта баҳордан қишлоқлардаги доимий уйларидан чорбоғларига, мавсумий уйларига кўчиб чиққанлар. Оила аъзолари кўпчиликни ташкил қилганларнинг бир қисми қишлоқларда қолишган[12].

Табиий географик шароитга қараб, яъни турар жойлар ҳам шунга мос ҳолатда жойлашган. Тоғ ва тоғолди ҳудудларда текис серсув ва тупроғи серунум, умуман, табиий қулай жойларда йирик қишлоқлар жойлашиб, аҳолиси анча гавжум яшаган, асосан дехқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган. Масалан, Авлод, Сариосиё, Пасурхи, Дарбанд, Работ, Чилонзор, Даҳнаижом, Тиллокамар, Хўжабулғон, Мунчок, Сайроб, Пулҳоким ва бошқалар[13].

Тоғли ҳудудларда, асосан, қишлоқлар кўпроқ сой ва булоқлар бўйида таркиб топган. Зарабоғ, Қорабоғ, Майдон, Қизилолма, Кампиртепа, Пошхўрд, Вандоб, Тўда, Хомкон, Назари, Олачопон, Яккатол, Гуматак, Дехиболо, Қўрғонча, Дуоба, Сайроқ, Кентала, Қизилнавур, Мачай, Ёлғизбулоқ, Оқжар, Мирқоракўз, Сариқамиш, Пудина, Омонхона, Қўшбулоқ, Чаган, Сели-бели, Эгарчи, Ўрикли, Оқбулоқ ва бошқалар[14].

Дашт ҳудуди ҳисобланган қишлоқлар текис, аммо суви кам бўлган жойларда (чўл ва даштларда) аҳоли кўпроқ чорвачилик билан машғул бўлган. Бундай жойларда қишлоқлар кичик, бир-биридан анча узоқда, асосан қудуқлар ёнида жойлашган. Ажrim, Қўчқак, Тангимуш, Кофрун, Хўжадияқ, Шўроб, Фотмабулоқ, Питов, Ёмчи, Узунқудук, Бешэркак, Панжоб, Ўртабўз, Инкабод, Даشتигоз, Кўкбели, Истара, Кунчикиш, Сарой, Гиламбоб, Оқжар, Чўянчи, Седабод, Гегирдак, Чукуркўл, Қишлоқбозор, Дехқонобод, Тўпка, Оққўрғон, Хўжақия, Навбог, Хитой, Боботепа, Тўғиз, Ўрдакчилик ва бошқалар[15].

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда янги демографик вазият вужудга келди. Бу демографик вазият туғилиш, табиий кўпайиш, миграция ва урбанизацияда ўз аксини топади. Бу даврли ўсиш суръатининг пасайиши, туғилишнинг камайиши, урбанизация даражасининг пасайиши, аҳоли ўсиш суръатининг ва аҳоли мутлақ сони ўсишининг камайишида намоён бўлмоқда[16]. Ҳар бир ҳудуддаги демографик жараёнлар, ўз навбатида, кўп омиллар таъсирида содир бўлади. Демографик сиёsatни амалга ошириш - бу, аҳоли саломатлигини яхшилаш, оилани қўллаб-куватлаш, республикада меҳнат ресурсларидан фойдаланиши яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш, такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоялаш дастурларини қабул қилиш ва амалга оширишdir.

ХУЛОСА. Сурхондарё вилояти худуди текисликлар, пасттекисликлар, дарё водийлари, қир ва адирлар, тоғ ёнбағирлари ҳамда тоғликлардан ташкил топганлиги аҳоли манзилгоҳларининг хилма-хил тарқалишига, ўзига хос ихтисослашуви ва инфратузилманинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади[17]. Шу сабабдан вилоятнинг ер юзаси тузилиши ва хўжалик ихтисослашувини ҳисобга олиб, улар бир-биридан кескин фарқ қилувчи иккита катта минтақага ажратилиши мумкин.

Вилоятимизнинг жанубий ва марказий қисмида Сурхон-Шеробод водийси жуда катта майдонни эгаллади. Ушбу минтақада суғорма дехқончилик асосан пахтачилик, дончилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, асаларчилик, ипакчилик ва сут-гўшт чорвачилиги, қоракўлчилик ҳамда гўшт-жун қўйчилигига ихтисослашган туманлар текислик ва текислик-тоғ худудларида жойлашган. Шунингдек, минтақадаги туманлар тоғ яйлов боғдорчилиги ва чорвачилиги гўшт-жун қўйчилиги ва гўшт-сут чорвачилиги ҳамда дарё водийларида боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган Бойсун, Сариосиё, Узун ва Олтинсой туманлариdir. Мазкур туманлардан Бойсун тумани типик тоғ зонасига мос келади. Қолган туманлардаги баъзи қишлоқлар тоғ ёнбағирларида, сой ва водийларда жойлашганлиги туфайли уларни ҳам тоғ яйлов зонасига киритиш мумкин[18]. Жумладан, Узун туманидаги Чош, Хонжиза, Оқмачит, Олтинсой туманидаги Катта Вахшивор, Оқсув, Дуоба, Бадиҳаво, Чинор, Сариосиё туманидаги Тўполанг, Тамшуш, Шотрут, Хуфар каби қишлоқлар тоғ-яйлов минтақасида жойлашгандир[19].

Суғорма дехқончилик билан шуғулланган қишлоқлар аҳолисининг кўпчилиги эрта баҳордан қишлоқлардаги доимий уйларидан чорбоғларига, мавсумий уйларига кўчиб чиққанлар. Оила аъзолари кўпчиликни ташкил этганлари эса қишлоқда қолганлар. Айрим ҳолларда қишлоқда ёш оиласар қолдирилган. Бу қишлоқларнинг кўпчилиги “юқори” ва “пастки”, “ички” ва “ташқи” , “ички” ва “ташқи” , “эски” ва “янги” деб аталган. Масалан, юқори Мачай, ўрта Мачай, қуи Мачай, ички Панжоб, ташқи Панжоб, Янгиарик, Эскиариқ қишлоқлари. Аммо, кўриб чиқилаётганда бу қишлоқларнинг номлари бир хил, лекин қишлоқларнинг юқори, қуида жойлашишига, ерларининг эски ва янги ўзлаштирилганига қараб шундай номланган[20]. Бундан ташқари қишлоқларни бир-биридан ажратиш учун табиий паст-баландликлар, жилғалар, жарликлар, шунингдек, йўллар чегара вазифасини ўтаган[21].

Дашт қишлоқлари аҳолиси кўпроқ чорвачилик билан шуғулланган, қишлоқда боғ ва мевали дараҳтлар ўсмаган, фақат қудук сувларидан фойдаланилган. Бу қишлоқлар аҳолиси лалмикор дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Шунинг учун дашт қишлоқлари кўпроқ бир-биридан узоқ бўлиб ва уй қурилишлари, уларнинг жойлашуви чорвачиликка мослашган. Дашт қишлоқларида асосан ярим ўтрок ўзбек уруғлари – қўнғиротлар, жузлар яшаган. Бойсун ва Шеробод бекликларидағи Дашибоз, Бандиҳон, Овзикенг, Бешэрқақ, Мунчоқ, Узункудуқ, Эгарчи, Бешқўтон, Таллашқон қишлоқлари дашт қишлоқлари ҳисобланган. Шеробод беклигига қўплаб дашт ерларга

сув чиқарилиб дехқончилик, хусусан, пахтачилик кенг қулоч ёйиб боргач, дашт қишлоқлари сони аста-секин камайиб борган[22].

Вилоятимизда қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари таркибини такомиллаштиришда табиий-хўжалик районлаштириш тамойилларига асосланиши яхши натижалар беради. Бунда турли табиий-географик ҳудудларда жойлашган ва ҳар хил хўжалик тармоқларига ихтисослашган қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари муаммо ва истиқболларига турлича ёндашиш талаб этилади. Жумладан, шаҳар атроф хўжалигига ихтисослашган (Термиз тумани), текислик ҳудудларидаги дехқончилик ривожланган (Музработ, Ангор, Шеробод, Шўрчи) ёки чорвачилик, боғдорчилик, узумчиликка мослашган тоғ ва тоғ олди туманлар (Бойсун, Сариосиё, Олтинсой, Денов) қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланиши турлича йўналишда бўлиши назарда тутилиши керак. Хулоса қилиб айтганда, Сурхондарё воҳаси қишлоқларида аҳоли сони бўйича қишлоқ кенгашлари ва маҳаллаларга бирлаштирилган. Қишлоқ аҳолисининг жойлашувида вилоятнинг табиий-географик шароити, ижтимоий-иқтисодий географиясининг ўзига хос хусусиятлари акс этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Марданакулов Т.И. Минтақаларда бозор инфратузилмасининг ривожланиши (Сурхондарё вилояти мисолида). Иқтисод ф.н.дисс. автореф.–Т., 2003.-19 б; Назаров М.И., Тожиева З.Н. Ижтимоий география. Ўқув қўлланма. –Т., 2003.-90 б.
2. Джумаев Т. Горы Узбекистана. Природа, хозяйство, отдых.–Т.: Мехнат, 1989.-224 с; Рўзиев А. Сурхондарё вилояти.–Т., 1996.-117 б.
3. Сатторов А.У., Абдумўминов Б.О. Сурхондарё вилояти қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари. Термиз, 2019.–Б.45.
4. Қишлоқ жойлар демографияси. Проф. А.С.Солиев таҳрири остида.–Т., 2005.–Б.15.
5. Сатторов А.У., Абдумўминов Б.О. Сурхондарё вилояти қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари. Термиз, 2019.–Б.5-6.
6. Убайдуллаев Р., Ата-Мирзаев О., Умарова Н. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. –Т.: Университет, 2006.–Б.6.
7. Солиев А.С. ва бошқалар. Қишлоқ жойлар демографияси.–Т.: Университет, 2005.–Б.18.
8. Бўриева М. Ўзбекистонда оила демографияси.–Т., Университет, 1997. –Б.46.
9. Abdurahmonov Q.,Abdurahmanov X.Demografiya.-T.:Noshir, 2011.-B.265.
10. Қишлоқ жойлар демографияси. Проф. А.С.Солиев таҳрири остида.–Т., 2005.–Б.15.
11. Давлат статисик маълумотлари.
12. Дала ёзувлари. Бойсун, Сариосиё, Яккабоғ, Шахрисабз туманлари.2017 йил.
13. Дала ёзувлари. Бойсун тумани қишлоқлари. 2010-2020 йиллар.

14. Дала ёзувлари. Шеробод, Бойсун туманлари қишлоқлари. 2002-2021 йиллар.
15. Дала ёзувлари. Бойсун, Шеробод, Қизириқ, Бандиҳон туманлари. 2001-2021 йиллар.
16. Убайдуллаев Р., Ата-Мирзаев О., Умарова Н. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. –Т.: Университет, 2006.–Б.6.
17. Ақрамов З.М. Проблемы хозяйственного освоения пустынных и горно-предгорных территорий.–Т.: Узбекистан, 1974.–С.31,34,56.
18. Джумаев Т. Горы Узбекистана. Природа, хозяйство, отдых.–Т.: Мехнат, 1989.-224 с.
19. Дала ёзувлари. Узун тумани Чош, Хонжиза, Олтинсой тумани Катта Вахшивор, Дуоба, Бадиҳаво, Чинор, Сариосиё тумани Хуфар, Шотрут қишлоқлари.
20. Турсунов Н.Н. Жанубий Сурхон воҳаси этнографияси. -Тошкент: “Yangi nashr”, 2015. –160 б.
21. Материалы по районированию Средней Азии. Кн.1. Территория и население Бухары и Хорезма. Ч.1. Бухара.-Т., 1926.-С.148.
22. Турсунов Н.Н. Жанубий Сурхон воҳаси этнографияси. -Тошкент: “Yangi nashr”, 2015. –160 б.